

Ғийбат сабаб дуо қабул бўлмайди



14:00 / 28.03.2022 3457

Ғийбат сабабли дунёда, динда жуда кўп зарарлар юзага келади. Ғийбат қилувчига Қуръони Каримдаги:

«Дунёни ҳам, охирагни ҳам қўлдан бой берди» (Ҳаж сураси, 11-оят) оятининг маъноси тўғри келиб қолади. Қуйида ғийбат қилиш натижасида пайдо бўладиган зарарларни санаб ўтамыз:

Биринчи зарар.

Дуонинг қабул бўлмаслиги.

Кўп ғийбат қилувчи ўзининг бу ишига камдан-кам ҳолда афсус-надомат қилади. Бардавом гуноҳ қилиб, унга афсусланмайдиган киши эса Аллоҳнинг раҳматидан бебаҳра бўлади. Шунинг учун унинг дуоси ҳам қабул бўлмайди.

Насиҳат.

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий раҳимаҳуллоҳ «Танбеҳ ул-ғофилин»да шундай ёзади: «Уч кишининг дуоси қабул бўлмайди.

Биринчиси, ҳаром мол ейдиган киши.

Иккинчиси, кўп ғийбат қиладиган киши.

Учинчиси, мусулмонларга нисбатан қалбида нафрат ва ҳасади бўлган киши.

Ҳикоя.

Иброҳим ибн Адҳам раҳимаҳуллоҳдан одамлар: «Нима сабабдан дуойимиз ижобат бўлмайди, ҳолбуки, Аллоҳ таоло «Менга дуо қилинглари, мен ижобат қиламан», деган», деб сўрадилар. Иброҳим ибн Адҳам: «Чунки сизларнинг қалбларингиз ўлган», дедилар. Одамлар: «Қалбимизни нима ўлдирган?» – деб сўраган эдилар, у киши шундай дея жавоб бердилар: «Қалбингизни саккиз нарса ўлдирган. Аллоҳ таолонинг ҳақи қандай буюклиги ва нақадар кўплигини биласизлар, лекин Унинг ҳақини адо қилмайсизлар. Қуръонни ўқийсизлар, лекин унинг амр ва тақиқларига амал қилмайсизлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрамиз, дейсизлар, лекин У зотнинг суннатларига амал қилмайсизлар. Ўлимдан кўрқамиз, дейсизлар, лекин унга тайёргарлик кўрмайсизлар. Аллоҳ таоло:

«Албатта, шайтон сизларга душмандир. Бас, уни душман тутинглари», (Фотир сураси б-оят) деган, бироқ сизлар гуноҳ қилишга шайтон билан келишиб олгансизлар. Дўзахдан кўрқамиз, дейсизлар, лекин (гуноҳ қилиш билан) ўз жисмларингизни дўзахга улоқтирасизлар. Жаннатни яхши кўрамиз, дейсизлар, лекин унга кириш учун амал қилмайсизлар. Ухлаб тургач, ўз айбларингизни ортга ташлаб (унутиб юборасизлар, бироқ одамларнинг айбларини олдиларингизга ёйиб, (кун мавзуси қилиб) оласизлар».

Бу ҳақда Ҳазрат Жалолиддин Румий раҳимаҳуллоҳ ҳам «Маснавий»да бундай деган:

Ғофил-анд ин қавм аз худ сар ба сар,

Ло жарам гўянд айби ҳам дигар.

Таржимаси:

Ўзидан ғофил бу эл бошдин-оёқ,

Бир-бирининг айбини сўзлайди, боқ.

Насрий баёни: Бу қавм бошдан-оёқ ўзидан беҳабардир, шунинг учун фақат бир-бирининг айбини гапиради.

«Ғийбат ўзи нима?» китобидан